


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

НОШИР ВА КИТОБСЕВАРЛАР УЧУН МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" кўргазмалар мажмуасида жорий йилнинг 2-4 октябрь кунлари Ўзбекистонда илк маротаба "TASHKENT BOOK FEST - 2019" — халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси ўтказилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан манфаатдор вазирилик ва идоралар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур маданий тадбирда Буюк Британия, Германия, Қозғистон, Корея, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Туркия давлатидан таш-



риф буюрган 16 та наشريёт ва китоб савдоси ташкилотлари, шунингдек, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ва тармоқ компаниялари вакиллари иштирок этишди. Бундан ташқари, кўргазмада Ўзбекистондаги 30 дан ортиқ давлат ва хусусий наشريёт ҳамда китоб савдоси ташкилотлари маҳсулотларининг намоиши бўлиб ўтди.

Кўргазма-ярмарканинг очиш маросимида таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда наشريёт-матбаа ва ахборот-кутубхона соҳасини

ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг тўртинчиси ҳам ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликини кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бугунги кунда соҳада белгиланган вазифалар ижроси доирасида наشريёт тизимини ривожлантириш ва сифатли китоб маҳсулотларини тарқатиш, бу борада жаҳон тажрибасини ўрганиш, халқаро алоқаларни

кенгайтириш, аҳолининг китобхонлик маданиятини ошириш, ёшларни мутолаага жалб этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда.

Мазкур кўргазма-ярмарканинг асосий мақсади ҳам республикамизда ноширлик ва матбаа соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самараларини намоиш этиш, шунингдек, жаҳон ноширлик ва матбаа саноатидаги янгиликлар билан танишиш, тажрибаларни ўртоқлашиш, иштирокчи давлатлардан ташриф буюрган наشريётлар, китоб тарқатувчилар ҳамда ахборот-кутубхона муассасалари, китоб ва мутолаа масалала-

ри бўйича масъул ташкилотлар ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйишга қаратилган.

Халқаро анжуманда вилоятимизнинг Янгийўл шаҳрида фаолият юритаётган "Янгийўл полиграф сервис" наشريёти ҳам ўзининг сифатли китоб маҳсулотлари билан қатнашгани қувонарли ҳол.

Аввало, мамлакатимизда мана шундай йирик китоб анжуманининг ўтказилганлиги ноширларни қўлга олмаган эди, — дейди тадбир иштирокчиси, "Sano-standart" наشريёти раҳбари Муҳиддин Аблаев. — Кўргазма давомидида наشريётимизда чоп этилган китоб ва матбаа маҳсулотларини намо-

иш этиш билан бирга, соҳадаги янгиликларни ўз кўзимиз билан кўриш, ўзаро тажриба алмашиш, шунингдек, хорижий давлатлар вакиллари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича музокара олиб бориш имкониятига эга бўлди. Ўйлаيمانки, бундай мулоқотлар келгусида фаолиятимизни янада ривожлантириш ва кенгайтиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, кўргазма чиндан ҳам соҳа вакиллари учун янги мулоқот майдони бўлиб хизмат қилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик ҳамда Япония давлатининг "Digital Knowledge Co., Ltd." ва "Japan International Cooperation Agency" компаниялари ўртасида "Ўзбекистон ҳудудида мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва таълим сифатидаги тенгликни таъминлашга қаратилган таълимни бошқариш тизимини ташкил этиш ва уни бизнесга айлантириш" лойиҳаси доирасида меморандум имзоланган.

Мазкур лойиҳани халқ таълими тизимига жорий этиш мақсадида япониялик мутахассислар **ТОШКЕНТ туманидаги** 26-умумий ўрта таълим мактабига ташриф буюришди. Ташриф жараёнида математика ва информатика дарслари, тўғарак машғулотларида қатнашишди. Таклиф ва тажрибалар алмашилди.



Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан **ЗАНГИОТА туманида** 3 нафар ўқитувчига туман ҳокимлиги ва ҳомийлар томонидан 3 та 2 хонали уй совға қилинди.

Қайд этилишича, 12-умумтаълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Гулнора Юнусалиева, 26-умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси Дилноза Шомирзаева ва 32-умумтаълим мактабининг бошланғич таълим ўқитувчиси Шаҳноза Бадалхўжаевага янги уйлар берилган.

НУРАФШОН шаҳар ҳокими Қ. Ҳакимов ҳудудда амалга оширилаётган йирик инвестицион лойиҳалар билан танишди. Хусусан, "LVKE Industrial Development" МЧЖ ХКнинг қурилиш майдонида бўлиб, корхона раҳбари жаноб Чжан Юн билан мулоқот қилди. Мазкур ҳамкорлар томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ишга тушиши натижасида 5 млн. АҚШ доллари миқдоридидаги хорижий инвестиция ўзлаштирилиши ҳамда 50 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.



"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди Тошкент вилояти ҳудудий филиалининг сайёр тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси томонидан **ҚИБРАЙ туманидаги** "Шодлик" маҳалласида тиббий кўрик ташкил этилди. Жараёнда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардаги туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва кексалар тиббий кўриқдан ўтказилиб, муҳтож беморларга дори-дармонлар тарқатилди.

Шу кўни аҳолининг тиббий маданиятини ошириш мақсадида "Репродуктив саломатлик", "Йод танқислиги касалликлари", "Қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари" мавзуларида давра суҳбатлари ҳам ўтказилди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан

Илғор фермерга — «Nexia 3»

Вилоятимиз пахтакорлари жорий йил 73 минг гектарда ўза парваришлаб, мўл-ҳосил етиштиришди.

Айни пайтда вилоят пахта далаларида 219 минг 600 тонналик улкан хирмон кўтариш йўлида бор имкониятлар ишга солинмоқда.

Рағбат

753 та терим отрядига бириктирилган 170 минг нафардан зиёд теримчи, 50 дан ортиқ пахта териш машиналари, 6 та агрокластер мажмуаси жамоаси томонидан пахтани ёғингарчилик кунларга қолмасдан, нест-нобуд қилмай териб олиш чоралари кўрилмоқда.

Бу борада теримчилар учун муносиб меҳнат шароити яратилгани, терим пули нархи оширилгани, айниқса, илғор теримчиларни рағбатлантириш йўлга қўйилгани қўл келмоқда.

Жумладан, кўнига 350 килограммдан ошириб пахта тераётган янгийўллик Фарҳод Субанов вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғаси билан тақдирланди. Бошқа

илғор теримчилар ҳам мунтазам рағбатлантириб боришмоқда.

Шунингдек, пахта режасини биринчи теримдаёқ бағбатли фермерларни ҳам рағбатлантириш йўлга қўйилган. Ўртачирчиқ тумани ҳокимлиги томонидан 20 гектардан кам бўлмаган пахтазордаги ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай териб олган, пахта топшириш шартномасини биринчи бўлиб тўлиқ бажарган фермерга "Nexia 3" автомобили совға сифатида топширилиши белгиланди.

Вилоят пахтазорларида терим мавсуми уюшқоқликда давом этмоқда.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА

"Охангаронцемент" корхонаси базасида қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган кластернинг яратилиши ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги муҳим воқеа бўлади.

Модернизация



МАҚСАД — ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ

— Лойиҳага киритилган 200 миллион долларлик сармоя йилига 3 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга юқори технологияли

завод қурилиши назарда тулади, — дейди корхона матбуот хизмати раҳбари Лола Сатторова. — Шунингдек, ўтга чидамли гишт ишлаб чиқариш бўйича янги линияни ўрнатиш ҳамда юқори сифатли бетон ва темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш линияларини реконструкция қилиш ҳам кўзда тутилган. Бу 400 га яқин янги иш ўринлари яратилади, дегани.

Мазкур инвестиция лойиҳалари мамлакатнинг юқори сифатли, экологик то-

за қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган. Янги маҳсулотлар биноларнинг сифати ва сейсмик мустаҳкамлигига қўйилган замонавий талабларга жавоб беради ва уй-жой, инфраструктура ҳамда саноат қурилишларида фойдаланишга мўлжалланган.

Бундан ташқари, янги заводнинг қурилиши клинкер ва ўтга чидамли гишт ишлаб чиқариш ҳажми кўпайишига хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

НЕГА ЖАВОБ БЕРМАЙСИЗ, ЖАНОБЛАР?

Кейинги пайтларда матбуотда чоп этилаётган танқидий мақолаларга тегишлилиги бўйича ташкилотлар тезда ўз муносабатини билдираётгани кўпга муаммоларнинг ечимига хизмат қилмоқда. Лекин, айрим ҳолатларда матбуотда кўтарилган мавзу қанчалик жиддий ва долзарб бўлмасин, уни эътиборсиз қолдираётган ташкилотлар ҳам учраб туради. Бу эса ўша идора фаолияти ҳақида турли манбалар орқали бир-бирига зид, ҳаттоки, ўта салбий хабарларнинг урчиб кетишига сабаб бўлади...

Таассуф

Давоми 3-бетда



□ Изҳор

Яхши хабарнинг қаноти бор, де-йишади. Президентимиз фармони билан давлатимизнинг юксак мукофотига лойиқ қўрилган ўнлаб ҳамкасбларим орасида номим борлигидан жуда фахрландим.

ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ЗАМОНИ

Ўзим таълим олган мактабда иш бошлаганимга ҳадемай 30 йил тўлади. Ўқитувчилик касбини буюм Нури ая Одиловага ҳавас қилиб танлаганман. Бувим мактабимиз тамал тошини кўйишда жонбозлик кўрсатган, фидойи инсон бўлганлари учун "Хизмат кўрсатган ўқитувчи" унвонига сазовор бўлган эдилар. Шукрки, менга ҳам сулолани давом эттириш бахти nasib этди.

Бугуннинг ўқитувчиси билимдон, илм-маърифатли, етук мутахассис бўлиши керак. 2016 йилдан туманда физика фанидан ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари асосида 6-9-синфларда тажриба-тадқиқот дарсларини олиб бормоқдам. 2014 йилдан бери ўқувчиларим фан олимпиадаси ва "Билимлар бешлашуви" да муваффақиятли иштирок этиб, туман ва вилоят босқичларида фахрли ўринларни қўлга кириштириб келмоқдалар.

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб тумандаги физика фанидан сабоқ берадиган ўқитувчиларга "Дарсларда вертуал лабораториялардан ва электрон ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланиш" мавзун бўйича тренинг-машғулотлар ўтаман. Малакамни ошириш учун доим ўқиб-ўрганиб, инновацион янгиликлардан хабардор бўлиб бораман.

Ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчилар фикрини ўзига тўлиқ жалб этиши, мавзуларни юксак савияда тушунтира олиши шарт. Ана шундагина боланинг устозига ишончи, хурмати ортади. Дарсликларни содда, ўқувчилар учун тушунарли бўлиши таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Республика таълим маркази эксперт гуруҳи аъзоси сифатида 6-9-синф дарсликлари устида ишлаяпман. Фикрларим янги дарсликлар яратилишида инобатга олинаётганидан хурсандман.

2015 йилда камтарона меҳнатларим "Халқ таълими аълочилиси" кўкрак нишонига лойиқ топиладиган бошим кўкка етган эди. Кунни кеча олган мукофотим менга билдирилган катта ишонч, деб биламан. Бу ишонч ва эътибор мени янги зафарлар сари ундайверади.

Севар БОЗОРБЕКОВА,
Тошкент туманидаги
6-мактабнинг физика
фани ўқитувчиси,
"Меҳнат шухрати"
ордени соҳибаси

МАЪРИФАТНИНГ ЙЎЛИ ОЙДИН

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳамжиҳатлик шароитида аҳил-иноқ яшаб, меҳнат қилишмоқда. Бирок,

□ Огоҳлик – давр талаби



Жамиятимизни бундай салбий ҳолатлардан ҳимоя қилишда ҳаллоқлик, бағрикенглик, тинчликпарварлик, саховат ва меҳр-окибатлилик каби фазилатларни аҳоли орасида кенг тарғиб этиш, ёшларимизни юксак маънавият, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш каби долзарб масалаларга катта эътибор қаратишмоқда.

Тошкент давлат аграр университетиде "Ўзбекистон – миллатларча тотувлик ва диний бағрикенглик юрти" мавзусида ўтказилган тадбирда сўзга чиққан университетнинг ёшлар билан ишлаш бўйича проректори И. Исроилов, Қўрай тумани ички ишлар бошқармаси бўлим

Бир маҳал Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини қўриб дилим ёришиб кетди. Уни ўзгача ҳаяжон билан ўқиб, дарҳол сайтимизга жойладим. Эрта-индин ёзадиган мақоламга Юртбошимизнинг ҳароратли сўзларидан куйидаги баъзи жумлаларни алоҳида кўчириб, қалбимга ҳам жойлаб қўйдим.

Уларда талабаларимга ўтадиган "Ахборот-психологик хавфсизлик" фанига методологик асос учун бекиёс фикрлар ўз ифодасини топган. Жойларда ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларда ҳам кўпинча шу мавзуда сўз юритаман.

Бир оздан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тизимида алоҳида ўрнатилган эълон қилинган. Одатимга кўра, Фармонни ҳам кўчириб, сайтимизга жойлаштирдим.

Соғлиқ бир оз заифлашгани боис толиққанам сезилди. Фармонни эртага бафуржа ўқишга қарор қилиб, кўрпамга чўзилдим. Тун алламаҳал бўлганига қарамай, телефонимга смс



Юртимизда ҳам жорий йилнинг 27 сентябрь кунини Вазирилар Маҳкамасининг "Кекса авлод вакиллариининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаолиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Мазкур қарорга кўра, 2019 йилдан бошлаб, мамлакатимизда ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтаси "Кексалар ҳафтаси" этиб белгиланди. Шу муносабат билан кексаларимизни эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳурмат қўрсатиш мақсадида жойларда турли хил маънавий-маърифий тадбирлар, тиббий-кўриклар ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Қўйичирчиқ туманидаги Абай номли маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бўлиб ўтди. Унда фуқароларнинг ўзини ўзи бош-

қела бошлади. Ётган жойимда очиб қарасам, "Дўстлик" ордени муборак бўлсин! деган қутловлар... Ҳаяжон билан компьютерни ёқдим. Чиндан ҳам азиз Юртбошимиз фармо-

МЕҲР РИШТАЛАРИГА ПАЙВАСТА «ДЎСТЛИК»

Ишхонадан қайтгач, ҳақиқий меҳнат фаолиятим уйимда – мўъжазгина кутубхонамда давом этади. Интернетни очиб, биринчи галда ЎЗА ва "Халқ сўзи" газетаси сайтларини кузатаман. Талабаларимиз, профессор-ўқитувчиларимиз учун энг муҳим ахборотларни олиб, ўзимизнинг сайтга жойлайман.

нида камина "Дўстлик" ордени билан тақдирланганини ўқиб, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Юрак қўғурғуш қадар ҳалқириб кетдики, вуҷудимда беморлик, дарддан асар ҳам қолмай, ўзимни тамомила соғайгандек ҳис этиб, забардаст аскардек оёққа турдим. Отам бошимни силагандек ажиб бир меҳрини туйдим.

Эрта тонгдан азиз устозларим – ЎЗМУ ректори Авазжон Мараҳимов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари Фарҳод Бабашев,

ЎЗА Бош директори Абду-сайд Кўчимов, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари Бош муҳаррири Ўткир Раҳматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Шухрат Жаббо-

ушмаси раиси, халқ шоири Сирожиiddин Сайид, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими Икром Бўрибоев, Ўзбекистон уюшмаси масъул ходимла-

равишда топширар экан. мухтарам Президентимиз совғаси сифатида биттадан телевизор ҳам улашди.

Ўтган йили худди шу кунларда жарроҳлик операция-



ров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Ғайрат Мажд, "Нуроний" жамғармаси раиси Шухрат Жалилов, ЎЗМУ проректорлари Давлатбой Жумабоев, Фолиб-жон Ботиров, Раҳима Ширинова, қадрдон ҳамкасб-дўстларим Рустам Мусурмон, Фармон Тошев, Умида Файзиева, Ўрол Содик, Шарофиддин Тўлаганов, менинг шундоқ камолга етишимда энг кўп устозлик қилган Шавкат Миралимов, жўрфадан барча ҳамкасбларим кетма-кет табрикла-дилар.

Байрамдан илгарироқ Ўзбекистон Ёзувчилар

ри Нодир Жонузқ, Абду-рауф Эшимқулов, Шерзод Ирзоев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳаким, уюшма масъул ходимлари Холмурод Салимов, Шухрат Рўзиев, Жобир Ҳўжақуловлар ҳол сўраб, уйимга келганларидан жуда хурсанд бўлган-дим.

Давлатимизнинг юксак мукофотида сазовор бўлганлар қатори 30 сентябрь кунини Тошкент шаҳар ҳокимлигига тақдир этилди. Пойтахт шаҳримиз ҳокими Жаҳонгир Ортиққўжаев давлатимизнинг юксак му-

сидан кейин тўшаққа михлаиб ётганимда ҳолимдан хабар олиш учун масъул ходимларини совға-саломлар билан хонадонимга юборган ва юракка далда берувчи "Байрам табриги" ҳам йўллаган пойтахтимиз ҳокимига ҳам самимий миннатдорчилик билдир-дим.

Кейин пойтахтимиздаги "Наврўз" маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсат-ётган ўқитувчи ва мураббийлар учун ташкил этилган сайлга йўл олди.

Бир маҳал Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси номи-дан совға-саломлар билан

хонадонимга келишгаётган истеъдодли шоирлар Нодир Жонузқ ва Ориф Тўхташ кўнгирик қилдилар. Байрам тадбирида эканлигини айтгандим, улар оиламиз аъзоларини табриклаб, совға-саломларини бериб кетишибди.

1 октябрь кунини истеъдодли собиқ талабаларим – ҳаётда муносиб ўрниларини топган Президент Администрацияси масъул ходимлари Бахтиёр Ёкубов, Анвар Самадов, Вазирилар Маҳкамаси масъул ходими Бекзод Шуккуров, "Халқ сўзи" газетаси бўлим муҳаррири Шавкат Ортиқов, ЎЗА бош муҳаррири Матназар Элмуродов, "Ёшлик" журнали бош муҳаррири Фахриддин Ҳайит, "Оила даврасида" газетаси бош муҳаррири Хусниддин Бердиев, Олмазор туманидаги "Жийда-ли" маҳалласи раиси Ой-ниса Бобонова масъул ходимлари билан мени касб байрамимиз ва юксак мукофот билан табриклаб, хонадонимга келганларидан бошим осмонга етди.

Азиз Президентимга ва барча меҳрибон Устозу шоғирдлар ҳамда меҳридаре дўстларимга бир умр таъзимдаман.

Тўлқин ЭШБЕК,
Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий
университети доценти,
"Дўстлик" ордени соҳиб

□ Кексалар ҳафталиги

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1990 йил 14 декабрдаги резолюцияси билан 1 октябрь – Халқаро кексалар кунини деб эълон қилинган эди. Бу кун дунёнинг кўпгина мамлакатларида кенг нишонланади.

ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАР ИФОДАСИ

ва ногиронлиги бор шахсларнинг 4 нафарига аравачалар топширилди. Бундан ташқари, пахта йиғим-терими мавсумида ташаббус кўрсатиб қатнашган фаол кексаларга эсдалик совғалари тарқатилди.

– Бугунги тадбирдан кайфиятимиз кўтарилиб, жуда хурсанд бўлдик, – дейди Дехқонбой Ботиров. – Кўп қатори менга ҳам аравача беришди. Энди бемалол тоза ҳавода сайр қилишим мумкин. Бизни шундай эъзозлаётганлар кам бўлишмасин.

Шу кунини дастурхон атрофида нуронийлар билан дилдан суҳбат қурилди. Туман маданият бўлими қошида ташкил этилган тўғарак қатнашчиларининг қизиқарли чиқишлари ҳамда ёш хонадаларнинг куй-кўшиқлари барчага ҳушқайфият улашди.

Вилоят касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ҳам ҳафталик доирасида бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, Ўртачирчиқ тумани, "Курамаовул" маҳалласи, Намуна кўчаси, 19-уйда яшовчи, таълим соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилган, 85 ёшли фахрий ўқитувчи, "Халқ маорифи аълочилиси" Неъмат Маждов хонадонига борилиб, ҳолидан хабар олинди.

Шунингдек, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан вилоят таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшма аъзоларидан 54 нафарининг Хоразм вилоятига саёҳати уюштирилди. Саёҳатчиларнинг 48 нафари фахрий устозлар эди.

Ўз мухбиримиз

□ Туризм

Тошкент вилояти туризмни ривожлантириш департаменти матбуот хизматида хабар беришларича, Бўстонлик туманидаги Бурчимуллага Якка-

тут ҳудудидаги 100 та аҳоли хонадонини янги мавсумда сайёҳларга хизмат кўрсатишини бошлади, дейилади ЎЗА хабарида.

100 ТА ХОНАДОН САЙЁҲЛАР ХИЗМАТИДА

Вилоятда сайёҳлик соҳаси ривожига алоҳида эътибор туфайли қўллаб-қувватлаш қўрилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида туризм соҳасида умумий қиймати 23,3 миллиард сўмлик 7 та лойиҳа ишга туширилиб, 117 та янги иш ўрни яратилгани фикримиз исботидир.

Кунини кеча бир гуруҳ Буюк Британиялик сайёҳлар Бўстонлик туманидаги Чимён ва Пирамида масканларида би-

лан яқиндан танишишди. Улар орасида Буюк Британия Лордлар палатасининг умрбод аъзоси бўлган Мухаммад Шайхнинг самарқандлик рафиқаси Гули Муродова ҳам бор.

– Айни вақтда Буюк Британиядаги ўқув марказида фаолият олиб бораётган бир гуруҳ педагоглари олиб келдим, – дейди Гули Муродова. – Бизнинг бой тарихимиз, бутун дунёни ўз қашфиётлари ва салоҳияти билан забт этган Амир Темур, Захриддин Му-

ҳаммад Бобур, Мирзо Улугбек, Имом Бухорий каби буюк шахслар ҳақида улар билан кўп суҳбатлашганимиз. Энди эса улар юртимизнинг гўзал тоғлари ва ажойиб масканларини ўз кўзлари билан кўришди. Ватанларига қайтиб, Ўзбекистоннинг яшил ҳудудлари, меҳмондўст инсонлари ва тарихий обидалари ҳақида сўзлаб беришмоқчи.

Вилоятимизга йил охирига қадар икки миллион нафар меҳмон келиши кўтилмоқда.

Эълон!

2019 йилнинг 15 октябрь кунини Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимларида бўш бўлган офицерлик лавозимларига ички ишлар органлари хизматидаги кириш истагида бўлган фуқаролар хизматга қабул қилиш бўйича ўтказиладиган танловларда иштирок этишга рўйхатга олинини маълум қилинади.

Танловларда 18 ёшдан кичик, 30 ёшдан катта бўлмаган, Тошкент вилоятида доимий рўйхатда (пропискида) туриб яшовчи, олий таълим муассасаларини барча мутахассисликлар бўйича тамомлаган, мuddатли, сафарбарлик қақурув резерви ёки олий таълим муассасасининг ҳарбий кафедрасини тамомлаган, бўйи 165 см.дан паст бўлмаган

эркаклар иштирок этишлари мумкин. Ички ишлар органлари сафига кириш истагида бўлган фуқароларни юқорида кўрсатилган мuddатда, соат 09.00 дан 17.00 қадар, Тошкент вилояти ИИББ Кадрлар бошқармасига шахсини тасдиқловчи фуқаролик паспорти, маълумоти тўғрисида диплом, ҳарбий гувоҳномаларининг асл нусхалари билан келишлари сўралади.

Манзил: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, Сада бекати, 1-уй: Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси биноси.

Мурожаат учун телефон:

(70) 762-41-97.

Тошкент вилояти ИИББ Кадрлар бошқармаси

ҲАЁТ МАКТАБИ

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 4 августда "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Қучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан тақомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжатга кўра, Миллий армиямиз тизимида ҳар жума – "Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик кунини" сифатида белгиланган.


Тадбирда Президентимиз ташаббуси билан Миллий армия тизимида қўламли ислохотлар олиб борилаётгани, ҳарбийлар ва аскарлар учун қўлай шароитлар яратилаётганига алоҳида тўхталинди.

Шу кунини ҳарбий хизматчилар ўқувчиларга армиянинг юртимиз тинчлигида тутган муҳим аҳамияти ҳақида сўзлаб беришди. Шунингдек, ёшлар ҳарбий тартиб-қоидалар ва ҳарбий қуроолар билан яқиндан таништирилди. Қолаверса, армия йигитларини ҳар томонлама чинқилтириш билан бирга ҳақиқий ҳаёт мактаби эканлиги ҳам таъкидланди.

Хусан САЙНАЗАРОВ,
ДХХ чегара қўшинлари
ҳарбий хизматчиси

ЧЕККА ҚИШЛОҚЛАРГА ҲАМ

ОБИҲАЁТ КИРИБ БОРМОҚДА



кайси ҳудудга борманг қишга тай-ёғарлик, ичимлик суви муаммола-рини ҳал этиш жараёнлари жадал-лик билан олиб борилаётганига кўзингиз тушадди.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 1-3 июнь кунлари давлатимиз раҳ-бари вилоятимизга таширф бюр-жон эди. Таширф чоғида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ҳолати танқид қилиниб, зарур то-пишир ва кўрсатмалар берилди. Мухтарам Президентимиз Тошкент вилоятига қўшимча бир триллион бир юз миллиард сўм ажратиб бер-ди. Уч юз миллиард сўмга 89 та об-ъектнинг манзили рўйхати Ва-зилрар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги баёни асосида шаклланти-рилди. Жумладан, ичимлик суви ти-зимлари бўйича 227,4 миллиард

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 1-3 июнь кунлари давлатимиз раҳбари вилоятимизга ташриф буюрган эди. Ташриф чоғида аҳолининг ичимлик суви билан таъминлаш ҳолати танқид қилиниб, зарур топишиқ ва кўрсатмалар берилди. Мухтарам Президентимиз Тошкент вилоятига қўшимча бир триллион бир юз миллиард сўм ажратиб берди. Уч юз миллиард сўмга 89 та объектнинг манзилли рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги баёни асосида шакллантирилди. Жумладан, ичимлик суви тизимлари бўйича 227,4 миллиард

Иккинчиси, оқова сув тизимлари бўйича еттига объект белгиланган бўлиб, биттаси янгидан барпо этилса, олтитаси реконструкция қилиниши режалаштирилган.

Оққўрғон тумани, "Ҳамзаобод" маҳалласининг ўн олти кўчасида-

Куйичирчиқ туманидаги "Тинчлик" маҳалласига ичимлик суви ет-

Гаффор НОРМАТОВ
Вилоят Уй-жой коммунал хизмати
кўрсатиш бошқармаси бошлиғи
Мансур ХИММАТОВ
олган суратлаш

Гаффор НОРМАТОВ
Вилоят Уй-жой коммунал хизмати
кўрсатиш бошқармаси бошлиғи

Мансур ХИММАТОВ
олган суратла

НЕГА ЖАВОБ БЕРМАЙСИЗ, ЖАНОБЛАР?

май сони) сарлавҳасида chop этилганди. Унда Нурафшон шаҳридаги бир қатор кутубхоналарнинг аянчли аҳволи нишонга олинган. Мақсад шу мақолада кейин аҳволи ўнглаш эди. Бирок, мақоладаги далиллар аниқ ва равшан, ҳақиқий ҳолат бор ҳолча еритилишига қарамасдан, бирорта мутасадди чурқ этмади. Навбатдаги мақола "Намунали уйнинг "намунали" камчиликлари" (13 июль сони) деб номланиб, унда 2013 йилда қурилиши тугалланиши шарт бўлган уй-жойлардан бирининг бугунги аянчли ҳолати тилга олинганди. Орадан 6 йил ўтса ҳам камчиликлари бартафари этилмаган, оқибатда вайронага айланаётган уй эгаси учун ҳақиқий бало бўлган. Бу мақолага ҳам "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ инжиниринг компаниясининг Тошкент филиали раҳбарияти томонидан ҳеч қандай

Расмийatchилик даври ўтди

Газетамиз саҳифасида чоп этилаётган мақолаларга тегишли ташкилот раҳбарларининг муносабатини сураб, хат жўнатиб турамиз. Афсуски, айрим мутасаддилар томонидан куруқ расмийatchилик юзасидангина ўта ғализ хатлар ҳам келиб туради. Таъбир жоиз бўлса, биз огдан келсак, раҳбар тоғдан келади. Йўқ, аслида ноҳақ эканликларини билишсади. Лекин, муаммони бартараф этишни истамайди чоғи, атай гапни айлантиришсади. Аслида бугун халқни рози қилишни истаган раҳбар борки, одамларни қийнаётган масаланинг ечимини албатта топади. Бунга фақат хоҳиш бўлса бас. Шунинг учун жавобларнинг баъзиларидаги "ахборот сифатида қабул қилинди", "му-

Кейинги уч йил мамлакатимиз ОАВ фаолиятида кескин бурилиш палласи бўлди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Ҳаракатлар стратегияси бунга йил очиб берди. Бундан ташқари, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Бироқ, ҳануз ОАВ билан ҳамкорлик қилиш, таҳрир-иятларнинг сўровига ўз вақ-тида, аниқ жавоб қайтаришга бепарво амалдорнинг ишга муносабатини ўзгартириш учун ҳали кўп вақт керакка ўхшайди.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
Тошкент ҳақиқати
муҳбири

Зангиота туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1991-1992 ўқув йилида Рахимова Хикоят Абдурахимовна номига берилган № 187277 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛНАДИ

Хусусий эълонлар

Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги 105-сонли мактаб томонидан 1994 йилда Искандарова (Тошпўлатова) Гулбаҳор Исматуллаевна номига берилган № 528301 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР КИЛИНАДИ.

Зангиота туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1991-1992 ўқув йилида Рахимова Хикоят Абдурахимовна номига берилган № 187277 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛНАДИ

← ■ Бошланиши 1-бетда

«БОҒИМДА АНОРИМ БОР...»



□ Куз саховати

Бугун Бекобод туманида 98 та боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалиги фаолият юритмоқда.

Жумладан, "Дўстлик" маҳалласи ҳудудидаги Шерали Ортиқов раҳбарлигидаги боғдорчилик хўжалиги 9,4 гектар майдонда анор, беҳи, олхўри, шафтоли каби мева дарахтларни парваришлаб келмоқда. Мухими, хўжалик мева етказиб бериш режасини йилма йил ортиги билан адо этмоқда.

– Айни пайтда пишиб етилган меваларимиз кўзни қувонтиради, – дейди фермер Ш. Ортиқов. – Ҳосили кўплигидан меваларни териб улгурмаяпмиз. Мазасини айтмайсизми, турган-битгани фойда. Келгусида серхосил, экспортбоп мевали дарахтларни янада кўпайтириш ҳаракатидамиз.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ
олган сурат

□ Кўнгил шеваси

Мирзохид – қадим Чинознинг навкирон фарзанди. У туғилиб ўсган заминдан икки азим дарё оқиб ўтади. Назаримизда, бу кўхна нахрлар Эски Тошкент кенгликларидан эмас, Мирзохиднинг юрак қабатларидан сизиб ўтадигандек. Зотан, ёш ижодкорнинг кўнгил симфониялари бирда сокин, бирда жўшқин, бирда эса тажассуми изтироб бўлган дарё мавжларига айна ҳамоҳангдир.

Мухтарам газетхонлар билан вилоятимизнинг фавқуллодда истеъдодли фарзандини юзма-юз қилар эканмиз, унинг ҳадемай адабиёт майдонидан мустаҳкам ўрин олишидан умидвормиз.

ШАШҚАРИДА ИШҚНИ ШИВИРЛАР ЁМҒИР...

Хўрсиниқ

Тўкилиб кетасан эшикни ёпиб, ташқарида изғир мезон нафаси. Қайдандир... бир суврат оласан топиб – галаён кўтарар кўксинг қафаси. Ҳозир «бахт» сўзини эшитгинг йўқдир, Шунчаки... бир ўзинг йиғламоқчисан. Ташқарида Ишқни шивирлар ёмғир, ўз-ўзингни шеърга чоғламоқчисан... Кўлга қалам олдинг, тўлдинг гуссага, хонанга ийманиб киради Афсус. Камига дардларин ортиб жуссанга юрагинга кириб келаётир Куз...

Бир қиз ўтиб борар...

Кузак сувларидай тиниқ ва хомуш бир хаёл боғларни оралаб ўтар ва дудокларда гуллабон хониш нигоҳи-ла олам рангларин ўпар. У ўтиб боради, кўйлаги узра гуллар баҳорни кутиб титрайди. Маъсум майсаларнинг инжа ноғизи-ла шеър айта бошлағай – сира тинмайди. У шеър айтаверар, умр охори шовуллаб тўкилар ҳовучларига. Покланар дунёнинг ички дунёси, шамоллар нур экар товушларига. Сўзлари энгилдир куш кипригидан, бир хаёл, бир ҳаёт, бир хаёл кечар – уйғонур руҳимда шавқи шафоат, Жоним ёлгонларнинг ридосин ечар. ... бир қиз ўтиб борар – холи паришон, йиқилиб-қалқиниб борар елкалар. Бир қиз ўтиб борар – кўшиқлари-ла гуноҳкор заминни тилка-тилкалаб.

Шахсият

Гуноҳлар тўкилар бармоқларимдан, қадамлар тўкилар оёқларимдан, жавоблар тўкилар сўроқларимдан, айт, ўзим қайлардан тўкилдим?

Томчиман – кўксимда минг денгиз пинҳон. Шуъламан – минг қуёш менда сақлар жон. Лаҳзаман – бағримда аср саргардон, айт, ўзим қайлардан тўкилдим? Ҳақ руҳни Одамга жойлаганида чалинган оҳангдан қолган сасманми? Дўзахдан сачраган чўғманми? Шўламан. Ёки бу даир ичра даир эмасманми?

Жавоб берсангчи, эй тушунтиргувчи, қайси сукунатдан келгансан – жимсан? Фақат кетиб қолма йўқликка учиб, балки бари бекор... балки сен – менсан...

Мирзохид МУЗАФФАР

Ўғлим прокурор бўлади

Ўз фарзанди учун касб танлаб берадиган ота-оналарни ҳеч қачон тушунмасам керак. Одамга нисбатан худбинликнинг энг галати кўринишларидан бири бу. Қулликдан бир поғона тепада, холос. Ҳаттоки дўстлик ёки севги муносабатларида ҳам бир киши иккинчисини қийнайверса, хоҳламаган нарсасини бу-юрaversа, бунинг йўли – алоқани узиш. Лекин болада бундай имкон йўқ.

Боласига бирон бир касбни танлаб бериб, сен шу касбни эгаллайсан, дейдиган ота-оналар қачонлардир ўрнатилган қоидаларга амал қилишди. "Қиз Дарвоқе

бола ўқиб бўлса, нимани қўйиллатиб беради, бор, тикувчиликни ўрган!" Тўхтанг, балки у биологияга чин дилидан қизиқар? Эртага кучли биолог олима бўлар? "Қиз болага четда ўқиб нима бор, шу ерда ўқийвер." Тўхтанг, ахир у ўз билими билан миллионлаб талабалар ўқини орзу қиладиган чет эл университетида кирди, нега йўлини тўсасиз?

Қизини ўқитишни ор деб билади, эртага ўша қизи касал бўлса, аёл доктор кидиради. Мен ич-ичимдан бир нарсани ҳис қиламан. Бизда қанчадан-қанча қобилиятли, ақлли қизлар шунчаки оила ташвишларига қўйилиб кетишган...

"Ўғил болага ўқитишни эрта-кечи йўқ, бор, ишлаб пул топ, қўшнимизни ўғли "фалончи" Россиядан жарақ-жарақ пул топиб йўнатапти". Тўхтанг, унинг қобилиятига бир қаранг, ахир фарзандингиз ўқишга қизиқса, ўзида билим бўлса, қўйинг, ўқисин (ўқишга йўқ бўлса, майли, ишласин). "Ўғлим юридическийга киради, прокурор бўлади. Бой бўлади". (Прокурор нима учун бой бўлиши керак у-бу ким тушунтирсин?) Балки у мусиқани севар? Балки шифокор бўлмоқчидир, машина устаси, муҳандислик, архитекторлик қизиқтирар уни?

Ота-оналар ўз фарзандларини унга ёқмайдиган касбга йўналтираётганларида болани қанчалик қийин аҳволга солаётганларини сезишмайди. Ахир, у ўша касб ёки иши билан бутун умри давомида яшайди, сиз эмас...

Нурбек АЛИМОВ

Вей, хотинларимиз жа ишбилармон, тadbиркор бўлиб кетаяптими-а? Илгари завод-фабрикаларда ишляпти, машина минаяпти, самолёт бошқараяпти, космосни забт этаяпти деб оғиз кўпиртирардик. Энди-чи? Э, ҳаммаёқни эгаллаб олишди. Бозорларни-ю гапирмаса ҳам бўлади, буткул ўзлариники қилиб олишди. Умрим:

– Дарёнинг нариги томонида ҳам одам яшармикан? – деган саволга жавоб тополмай ўтди. Хотинбойнинг эса, бормаган жойи, кўрмаган мамлакатни қолмади. Туркия, Хиндистон, Корея...

Хитойга-ку онасиникига боргандай икки кунда бир бориб келиб турибди. Шундай бўлгач, эр шўрликнинг оиладаги ўрини қўйверасиз-да энди! Обрўси говлаганлардан биттаси менман...

Ишдан кейин уйга жиноят қилиб қўйган одамдай кириб бораман. Эрталоқ борсам:

– Ҳм! Бир нарсадан қуруқ қолгандай ҳовлиқиб келибсиз?... Эрталоқ ишдан чиқаркансиз, уйга чопмасдан бозорга кирсангиз бўлмай-дими? У-буни олиб, кечки бозорда сотмайсизми, бир-икки танга қолсам харна-да! – деб қарши олади. Кечроқ қайтсам:

– Ётиб қолавермабсиз-да!

Эрталоқ келиб уй ишларига қарашсангиз, нима қилади. Овқат пиширсангиз ҳам майли-да! Нон ёпсангиз-чи, бир жойингиз камайиб қоладими? Ана, қўшнимиз Йомали ака кир ювиб ўтирибди, кир тоғорага бирам ярашибди, бирам ярашибди! – дейди.

Бунақа гап-сўзлардан жуда тўйиб кетдим. Шунинг жағидан кутулай дея ярим кечаси уйга келиб, хотинбой уй-

□ Ҳажвчи бисотидан

Ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим! Унинг гапларидан кўз олдим қоронғилашиб, қаравотга ўтириб қолдим. Негадир хотиннинг овози ҳам шу онинг ўзида ўчди. Атрофга қарасам, хотин йўқ. Нариги хонадамикан деб, секин ўрнимдан турсам:

– Тирикчилигимиз қандай ўтаяпти, ўйламайсиз! Беш куним-хуш куним деб юраве-расиз! – деб жавраптади-да яна!

Ҳайрон бўлиб, қотиб қолдим. Қаравотга ўтирсам, овози зумда ўчди! Турсам яна жаврайди, ўтирсам ўчади!

Э, офарин-э! Калланга қойил-э,

хотин! Бозорни ўзлариники қилиб юборибди десам, хотинлар техниканинг ҳам пири бўлиб кетган экан. Қаравотимни компьютерлаштириб юборибди! Турсам магнитофонни жаврайдиган, ўтирсам ўчадиган қилиб қўйибди! Менам ишимни ўзгартирдим. Техника билан шуғулланаяпман: хотиннинг ихтиросини ўзига қарата ишлатмоқчиман. Аниқроғи, хотинни компьютерлаштирмоқчиман. Шундай, тугмачани боссангиз, галирса, шундай тугмачани боссангиз – уни ўчса! Қалай? Бизга ҳам шунақаси керак дейсизми? Ҳўп, Ҳўп, бемалол ўртоқлашаман, фақат ихтиромиз амалга ошсин!

Сайд АНВАР

ИШБИЛГИ ХОТИНДАН ДОД!



гонмасдан ишга жўнашни одат қил-дими. Э, шунақа қилиб яшаса ҳам бўларкан, қулоғим тинчиб қолди. Айниқса, буфетчини хафа қилгим келмай, ишдан кейин бир-икки стакан отиб олардим, хидини сезса, хотинбой шайтонлаб қоларди, унданам кутулдим. Жоним кириб қолди, вей!

Аммо кечаги кунни азонда... Кўзимни уқалаб, аранг ўрнимдан турдим. Шунки кутиб тургандай хотин жаврашни бошлади-ю! – Турдингизми, бойвачча! Кечаям роса кайф-сафони қилибсиз-а! Бола-чақа, уй-рўзгор фақат менга керак!

■ Мулоҳаза

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши ва Сенатининг "Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори 2020 йил 1 январдан қонуний кучга киришини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Тўй ва маросимларнинг тартибга солиниши юртимизда қанчадан-қанча оилаларнинг тинчлиги, хотиржамлиги, бахтли ҳаёти, қолаверса, оилавий бюджети учун ижобий таъсирини кўрсатади, албатта.

Шундай пайтлар бўладики, ўз орзу-хавасларимизга эрк бериб юборамиз, аммо сезмаймизки, хаёл ва ҳаёт буткул бошқа-бошқа. Шундай экан, тўй баҳона ортиқча сарф-харажатларни кўпайтириб, кераксиз удумларни ўйлаб топаётганлар, тўй бошланмасдан туриб, майда гаплар, кераксиз одатларни деб фарзандлари фотиҳасини бузиб юбораётган ота-оналар энди зора кўзларини очиса?!

Уша босар-тусарини билмай қолган, ким ўзарга тўй қиляётганлар атрофларига бир назар ташлаш-

са, яхши бўларди. Ўзлари яшаётган маҳаллаларда шароити оғир, кўнгли ярим, ота-онадан эрта етим қолган, эҳтиёжманд оилалар бор. Ушаларга моддий кўмак берсалар, бунинг савоби улуг-ку! Бир кемтик қалбни шод этиш, муқаддас қаб-бани обод этиш билан баробар

ҳатто, бешикдаги чақалоғи ҳам қолмаган. Жой етишмаганидан тўй эгалари хижолат. Жуда хунук ман-зара: қуда томондан келганлар анча туриб қолиши. Ахир, улар учун ажратилган жойларга ҳам айрим "учар" меҳмон хотин-халаж-лар ўтириб олишганди-да. Кўпчи-

лайдиган давр келди, чамамда. Тўй деса, тўрт оёқлаб югуриб кетадиган аёлларимизни тийиб қўйиш керакка ўхшайди. Мактабдаги ота-оналар мажлисига баҳона топиб бормайдиган опа-сингилларимиз тўйга деса, ҳаммадан олдин югуриши ҳаммамизга аён-ку.

Бир танишимиз қиз узатди. Тўйдан сўнг, келинликдаги "чорлар" маросимига 60 дан ортиқ аёл йиғилди. 9-10 хил таомни еб-ичгандан ташқари, сарпо-суруқлар, ҳар битта меҳмон аёлнинг қўлига бир кийимликдан матолар тутқазилди. Бу удум қудаларни "сийлаш", "обру олиш" экан. Аммо, қиз узатган аёлга бу обру қанчалар қимматга тушганини ёлғиз ўзи билади.

Камига, бир ҳафтадан сўнг оилавий "кичик чорлар" ҳам бўлди. Шу кунни қувонкидан яна 10 нафар одам кириб келди. Улар орасида қувонинг бувиси, маҳалланинг отинойиси ҳам борлигига нима дейсиз?

Қувонарлиси, мазкур қарордан тўғри хулоса чиқариб, камхараж, бошқаларга ибрат бўладиган тўй

лик тўй бошланмасидан кетиб қолди. Ҳала-говур, шовқин-сурон. Узр-ку: "Ит эгасини танимайди", деган мақолга мос ҳолат эди...

Ҳурматли маҳалла раислари ва маслаҳатчилар мазкур қарор юзасидан энди жойларда жиддий иш-

эканлигини қачон англаб етамиз? Яқинда бир тўйда бўлдик. Очиғи тўйхонадаги одамнинг кўплигидан оғзим очилиб қолди. Айниқса, бир оиладан 4-5 нафар бўлиб келган меҳмонлар – қайнона-келин, қайнопа, қайсингил, набира қизлар,

қабулхона: Бош муҳаррир ўринбосари: Масъул котиб: Бўлим муҳаррирлари: Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: Электрон почта: toshkenthahqiqati@uam.uz / / / / th-tp@inbox.ru

Манзиллими: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли қўчаси, 90. Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар қўчаси, 32. Телефонлар: (71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс) (71) 233-70-10 (71) 233-90-82 (71) 233-38-23, (71) 233-48-08 (71) 233-65-59, (71) 233-54-10

қилаётганлар ҳам кўпаймоқда. Улар учун одамларнинг вақтинчалик гап-сўзи эмас, фарзандларининг бахти муҳим.

Яқинда раҳбар лавозимида ишлайдиган опамиз қиз узатдилар. Ниҳоят тўйини ортиқча чиқимларсиз, икки қуда келишган ҳолда қувонинг хонадонидан ўтказишди.

– 250 кишига дастурхон тузадиқ, – дедилар опа. – Тўй жуда файзли, чиройли ўтди. Энг асосийси, ёшларимиз бахтли.

Шу ўринда, бемаъни орзу-хавас, дабдабали тўй-ҳашамларни деб борини сарф қилиб, қарзга ботиб, хорижга ишлашга кетганлар, кўрпасига қараб оёқ узатмай инфаркт, инсульт бўлаётган ота-оналарга ақлингизни йиғинг, демоқчимиз.

Ўйлаб кўрайлик, ҳашаматли уйлари, дабдабали тўйлар ёшларга нима беради? Илдан қўйлар, фарзандларимизни олиб кўрайлик, маънавиятини оширайлик, оиланинг қадрига етишни тушунтирайлик. Ёшларимиз илмли бўлса, дунё кезса, юртга шон-шухрат келтирувчи инсонлар бўлиб етишса, уларнинг ортидан кўнглимиз тоғдек кўтарилса, қандай яхши! Бахтимиз, тахтимиз шу эмасми, аслида?..

Раъно ХОЛИҚОВА
Чиноз тумани

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир

Файрат

ШЕРАЛИЕВ

Буюртма Г-1043. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 3 333 нусхада чоп этилди. ISSN 2010-9318.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон қўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.50. 1 2 3 4 5 6

«БОҒИМДА АНОРИМ БОР...»



□ Куз саховати

Бугун Бекобод туманида 98 та боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалиги фаолият юритмоқда.

Жумладан, "Дўстлик" маҳалласи ҳудудидаги Шерали Ортиқов раҳбарлигидаги боғдорчилик хўжалиги 9,4 гектар майдонда анор, беҳи, олхўри, шафтоли каби мева дарахтларни парваришлаб келмоқда. Мухими, хўжалик мева етказиб бериш режасини йилма йил ортиги билан адо этмоқда.

— Айни пайтда пишиб етилган меваларимиз кўзни қувонтиради, — дейди фермер Ш. Ортиқов. — Ҳосили кўплигидан меваларни териб улгурмаямиз. Мазасини айтмайсизми, турган-битгани фойда. Келгусида серхосил, экспортбоп мева дарахтларни янада кўпайтириш ҳаракатидамиз.


Султонбой ДЕҲҚОНОВ
олган сурат

□ Кўнгил шеvasи

Мирзохид — қадим Чинознинг навқирон фарзанди. У туғилиб ўсган заминдан икки азим дарё оқиб ўтади. Назаримизда, бу кўҳна нахрлар Эски Тошкент кенгликларидан эмас, Мирзохиднинг юрак қабатларидан сизиб ўтадигандек. Зотан, ёш ижодкорнинг кўнгил симфониялари бирда сокин, бирда жўшқин, бирда эса тажассуми изтироб бўлган дарё мавжларига айна ҳамоҳангдир.

Мухтарам газетхонлар билан вилоятимизнинг фавқуллодда истеъдодли фарзандини юзма-юз қилар эканмиз, унинг ҳадемай адабиёт майдонидан мустаҳкам ўрин олишидан умидвормиз.

ШАШҚАРИДА ИШҚНИ ШИВИРЛАР ЁМҒИР...



Хўрсиник

Тўкилиб
кетасан
эшикни ёпиб,
ташқарида изғир мезон нафаси.
Қайдандир...
бир суврат оласан топиб —
ғалаён кўтарар кўксинг қафаси.
Ҳозир «бахт» сўзини эшиттинг йўқдир,
Шунчаки...
бир ўзинг йиғламоқчисан.
Ташқарида Ишқни
шивирлар ёмғир,
ўз-ўзингни шеърга чоғламоқчисан...
Кўлга қалам олдинг,
тўлдинг гуссага,
хонанга ийманиб киради Афсус.
Камига
дардларин
ортиб жуссанга
юрагинга кириб келаётир Куз...

Бир қиз ўтиб борар...

Кузак сувларидай
тиниқ ва хомуш
бир хаёл боғларни оралаб ўтар
ва дудокларида гуллабон хониш
нигоҳи-ла олам ранглари ўлар.
У ўтиб боради,
қўйлаги узра
гуллари баҳорни кутиб титрайди.
Маъсум майсаларнинг инжа нози-ла
шеър айта бошлағай —
сир тинмайди.
У шеър айтаверар,
умр охори
шовуллаб тўкилар ҳовучларига.
Покланар дунёнинг ички дунёси,
шамоллар нур экар товушларига.
Сўзлари энгилдир куш кипригидан,
бир хаё,
бир ҳаёт,
бир хаёл кечар —
уйғонур руҳимда шавқи шафоат,
Жоним ёлгонларнинг ридосин ечар.
... бир қиз ўтиб борар —
холи паришон,
йиқилиб-қалқиниб борар елкалар.
Бир қиз ўтиб борар —
қўшқилари-ла
гуноҳкор заминни тилка-тилкалаб.

Шахсият

Гуноҳлар тўкилар бармоқларимдан,
қадамлар тўкилар оёқларимдан,
жавоблар тўкилар сўроқларимдан,
айт, ўзим қайлардан тўкилдим?

Томчиман —
кўксимда минг денгиз пинҳон.
Шуёламан —
минг кўёш менда сақлар жон.
Лаҳзаман —
бағримда аср саргардон,
айт, ўзим қайлардан тўкилдим?
Ҳақ руҳи Одамга жойлаганида
чалинган оҳангдан қолган сасманми?
Дўзахдан сачраган чўгманми?
Билмам.
Еки бу даир ичра даир эмасманми?

Жавоб берсангчи,
эй тушунтиргувчи,
қайси сукунатдан келгансан —
жимсан?
Фақат кетиб қолма йўқликка учиб,
балки бари бекор...
балки сен — менсан...

Мирзохид МУЗАФФАР

Ўғлим прокурор бўлади

Ўз фарзанди учун касб танлаб берадиган ота-оналарни ҳеч қачон тушунмасам керак. Одамга нисбатан худбинликнинг энг ғалати кўринишларидан бири бу. Кулликдан бир поғона тепада, холос. Ҳаттоки дўстлик ёки севги муносабатларида ҳам бир киши иккинчисини қийнайверса, хохламаган нарсасини буюраверса, бунинг йўли — алоқани узиш. Лекин болада бундай имкон йўқ.

Боласига бирон бир касбни танлаб бериб, сен шу касбни эгаллайсан, дейдиган ота-оналар қачонлардир ўрнатилган қоидаларга амал қилишад.

"Қиз бола ўқиб нимани қўйиллатиб беради, бор, тикувчиликни ўрган!" Тўхтанг, балки у биологияга чин дилидан қизиқар? Эртага кучли биолог олима бўлар? "Қиз болага четда ўқиб нима бор, шу ерда ўқийвер." Тўхтанг, ахир у ўз билими билан миллионлаб талабалар ўқишни орзу қиладиган чет эл университетига кирди, нега йўлини тўсасиз?

Қизини ўқитишни ор деб билади, эртага ўша қизи касал бўлса, аёл доктор қидиради. Мен ич-ичимдан бир нарсани ҳис қиламан. Бизда қанчадан-қанча қобилиятли, ақли қизлар шунчаки оила ташвишларига кўмилиб кетишган...

"Ўғил болага ўқишни эрта-кечи йўқ, бор, ишлаб пул топ, қўшимчини ўғли "фалончи" Россиядан жарақ-жарақ пул топиб жўнараётти". Тўхтанг, унинг қобилиятига бир қаранг, ахир фарзандингиз ўқишга қизиқса, ўзида билим бўлса, қўйинг, ўқисин (ўқишга йўқ бўлса, майли, ишласин). "Ўғлим юридическийга киради, прокурор бўлади. Бой бўлади". (Прокурор нима учун бой бўлиши керак у-бу ким тушунтирорсин?) Балки у мусиқани севар? Балки шифокор бўлмоқчи, машина устаси, муҳандислик, архитекторлик қизиқтирар уни?

Ота-оналар ўз фарзандларини унга ёқмайдиган касбга йўналтираётганларида болани қанчалик қийин аҳволга солаётганларини сезишмайди. Ахир, у ўша касб ёки иши билан бутун умри давомида яшайди, сиз эмас...

Нурбек АЛИМОВ

Вей, хотинларимиз жа ишбилармон, тадбиркор бўлиб кетаяптими-а? Илгари завод-фабрикаларда ишляпти, машина минаяпти, самолёт бошқараяпти, космосни забт этаяпти деб оғиз кўпиртирдик. Энди-чи? Э, ҳаммаёқни эгаллаб олишди. Бозорларни-ю гапирмаса ҳам бўлади, буткул ўзлариники қилиб олишди. Умрим: — Дарёнинг нариги томонида ҳам одам яшармикан? — деган саволга жавоб тополмай ўтди. Хотинбойнинг эса, бормаган жойи, кўрмаган мамлакатни қолмади. Туркия, Ҳиндистон, Корея...

Хитойга-ку онасиникига боргандай икки кунда бир бориб келиб турибди. Шундай бўлгач, эр шўрликнинг оиладаги ўрнини қўяверасиз-да энди! Обрўси гўлаганлардан биттаси менман...

Ишдан кейин уйга жиноят қилиб қўйган одамдай кириб бораман. Эрталоқ борсам: — Ҳм! Бир нарсадан қуруқ қолгандай ҳовлиқиб келибсиз?... Эрталоқ ишдан чиқаркансиз, уйга чопмасдан бозорга кирсангиз бўлмай-дими? У-бунга олиб, кечки бозорда сўтмайсизми, бир-икки танга қолсам ҳарна-да! — деб қарши олади.

Кенроқ қайтсам: — Ётиб қолавермабсиз-да! — дедим. Э, шунақа қилиб яшаса ҳам бўларкан, қулоғим тинчиб қолди. Айниқса, буфетчини хафа қилгим келмай, ишдан кейин бир-икки стакан отиб олдим, ҳидини сезса, хотинбой шайтонлаб қоларди, унданам кутулдим. Жоним кириб қолди, вей!

Аммо кечаги кўни азонда... Кўзимни уқалаб, аранг ўрнимдан турдим. Шунки кутиб тургандай хотин жаврашни бошлади-ю!

— Турдингизми, бойвачча! Кечаям роса кайф-сафони қилибсиз-а! Бола-чақа, уй-рўзгор фақат менга керак!

Эрталоқ келиб уй ишларига қарашсангиз, нима қилади. Овқат пиширсангиз ҳам майли-да! Нон ёпсангиз-чи, бир жойингиз камайиб қоладими? Ана, қўшнимиз Имомали ака кир ювиб ўтирибди, кир тоғорага бирам ярашибди, бирам ярашибди! — дейди.

Бунақа гап-сўзлардан жуда тўйиб кетдим. Шунинг жагидан кутулай дея ярим кечаси уйга келиб, хотинбой уй-

□ Ҳажвчи бисотидан

ИШБИЛГИ ХОТИНДАН ДОД!

Ҳонмасдан ишга жўнашнинг одати қил-...

дим. Э, шунақа қилиб яшаса ҳам бўларкан, қулоғим тинчиб қолди. Айниқса, буфетчини хафа қилгим келмай, ишдан кейин бир-икки стакан отиб олдим, ҳидини сезса, хотинбой шайтонлаб қоларди, унданам кутулдим. Жоним кириб қолди, вей!

Аммо кечаги кўни азонда... Кўзимни уқалаб, аранг ўрнимдан турдим. Шунки кутиб тургандай хотин жаврашни бошлади-ю!

— Турдингизми, бойвачча! Кечаям роса кайф-сафони қилибсиз-а! Бола-чақа, уй-рўзгор фақат менга керак!

ҳатто, бешикдаги чақалоғи ҳам қолмаган. Жой етишмагандан тўй эгалари хижолат. Жуда хунук манзара: куда томондан келганлар анча туриб қолишди. Ахир, улар учун ажратилган жойларга ҳам айрим "учар" меҳмон хотин-халажлар ўтириб олишганди-да. Кўпчи-

са, яхши бўларди. Ўзлари яшаётган маҳаллаларда шароити оғир, кўнгли ярим, ота-онандан эрта етим қолган, эҳтиёжманд оилалар бор. Ўшаларга моддий қўмак берсалар, бунинг савоби улуг-ку! Бир кетмик қалбни шод этиш, муқаддас қаъбани обод этиш билан баробар

СИЗГА ОМОНАТ ТАХТ КЕРАКМИ

ёки асл бахт?



эканлигини қачон англаб етамиз? Яқинда бир тўйда бўлдик. Очиғи тўйхонадаги одамнинг кўплигидан оғзим очилиб қолди. Айниқса, бир оиладан 4-5 нафар бўлиб келган меҳмонлар — қайнона-келин, қайнопа, қайинсингил, набира қизлар,



лик тўй бошланмасидан кетиб қолди. Ҳала-говур, шовкин-сурон. Узр-ку: "Ит эгасини танмайди", деган мақолга мос ҳолат эди... Ҳурматли маҳалла раислари ва маслаҳатчилар мазкур қарор юзасидан энди жойларда жиддий иш-

лайдиган давр келди, чамамда. Тўй деса, тўрт оёқлаб югуриб кетадиган аёлларимизни тийиб қўйиш керакка ўхшайди. Мактабдаги ота-оналар мажлисига баҳона топиб бормайдиган опа-сингилларимиз тўйга деса, ҳаммадан олдин югуриши ҳаммамизга аён-ку.

Бир танишимиз қиз узатди. Тўйдан сўнг, келинликдаги "чорлар" маросимига 60 дан ортиқ аёл йиғилди. 9-10 хил таомни еб-ичгандан ташқари, сарпо-суруқлар, ҳар битта меҳмон аёлнинг қўлига бир кийимликдан матолар туқазилди. Бу удум қудаларни "сийлаш", "обру олиш" экан. Аммо, қиз узатган аёлга бу обрў қанчалар қимматга тушганини ёлғиз ўзи билади.

Камига, бир ҳафтадан сўнг оилавий "кичик чорлар" ҳам бўлди. Шу куни куёвниқидан яна 10 нафар одам кириб келди. Улар орасида куёвнинг бувиси, маҳалланинг отинойиси ҳам борлигига нима дейсиз?

Қувонарлиси, мазкур қарордан тўғри хулоса чиқариб, камҳарж, бошқаларга ибрат бўладиган тўй

қилаётганлар ҳам кўпаймоқда. Улар учун одамларнинг вақтинчалик гап-сўзи эмас, фарзандларининг бахти муҳим.

Яқинда раҳбар лавозимида ишлайдиган опамиз қиз узатдилар. Никоҳ тўйини ортиқча чиқимларсиз, икки куда келишган ҳолда куёвнинг хонадонига ўтказишди.

— 250 кишига дастурхон тузадик, — дедилар опа. — Тўй жуда файзли, чиroyли ўтди. Энг асосийси, ёшларимиз бахтли.

Шу ўринда, бемаъни орзу-ҳавас, дабдабали тўй-ҳашамларни деб борини сарф қилиб, қарзга ботиб, хорижга ишлашга кетганлар, кўрпасига қараб оёқ узатмай инфаркт, инсульт бўлаётган ота-оналарга ақлингизни йиғинг, демоқчимиз.

Ўйлаб кўрайлик, ҳашаматли уйлари, дабдабали тўйлар ёшларга нима беради? Ундан кўра, фарзандларимизни илмли қилайлик, маънавиятини оширайлик, оиланинг қадрига етишни тушунтирайлик. Ёшларимиз илмли бўлса, дунё кезса, юртга шон-шўхрат келтирувчи инсонлар бўлиб етишса, уларнинг ортидан кўнглимиз тоғдек кўтарилса, қандай яхши! Бахтимиз, тахтимиз шу эмасми, аслида?..

Равно ҲОЛИҚОВА
Чиноз тумани

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Манзилимиз: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90. Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.	Қабулхона: Бош муҳаррир ўринбосари: Масъул котиб: Бўлим муҳаррирлари: Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: Электрон почта: toshkenthqiqati@mail.ru / th-pt@inbox.ru	Телефонлар: (71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс) (71) 233-70-10 (71) 233-90-82 (71) 233-38-23, (71) 233-48-08 (71) 233-65-59, (71) 233-54-10	Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терийли ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Кўмуш ЭҒАМБЕРДИЕВА Назоратчи мусаввиф Аллома АЗИЗОВА Навбатчи Маммурижон ҚИЁМОВ
Буюртма Г-1043. Баҳоси келишилган нарҳда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қроғз бичими А-2. 3 333 нусхада чоп этилди. ISSN 2010-9318.						
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.50. 1 2 3 4 5 6						